Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 283 (4681)
14 ДЕКАБРЬ 1981 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● ТРАНСПОРТЧИЛАР ВАХТАСИ

МУНОСИБ ҲИССА

1-троллейбус депоси коллективи шу йил бошидан бери планга қўшимча 500 мингдан ортиқ йўловчининг манзилини яқин этди. Бунинг натижасида 11 минг сўмлик қўшимча даромад кўрилди. Бу муваффақият ҳайдовчиларнинг ташаббус кўрсатиб ишлаётганликлари самарасидир.

Бугунги кунда троллейбусчилар «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида мусобақани авж олдирмоқдалар. Шуниси қувончлики, мусобақа пешқадамларидан 250 киши ўз устларига оширилган мажбурият олиб йиллик планларини 22 декабрда бажаришга аҳд қилишди. Ҳ. Хуснуллин, А. Чугай, А. Егоркина каби 40 ҳайдовчи шахсий беш йиллик планларини тўрт йилда бажариш учун курашяпти. Энг яхши ҳайдовчи А. Иванов эса маррага уч ярим йилда етиш мажбуриятини олган.

Коллектив машиналарининг техник нуқсонлар сабабли паркка қайтишини 3 процент камайтирди. Ҳаракат мунтазамлиги ҳам анча яхшиланди. Бунда Т. Каримов, Ш. Умаров бошчилигидаги ремонтчилар бригадаларининг муносиб ҳиссаси бор.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Шаҳримиздаги чарм, галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида «СССР 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта» ташаббуси кенг қулоч ёйган бўлиб, корхона ишчилари ушбу ҳаракатда кўтаринки руҳ билан иштирок этмоқдалар. Бугунги кунда фабрикада беш йилликни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган илғорлар сони 100 кишидан ошиб кетди.

Йил давомида фабрикада 3,5 миллион сўмликдан зиёд кенг истеъмол буюмлари тайёрланди. Пландан ташқари 300 минг сўмлик чарм маҳсулотлари етказиб берилди.

Қўлга киритилаётган ютуқлар, албатта, фабрика илғор ишчиларининг сидқидилдан қилаётган меҳнати туфайлидир. Бу пешқадамлар ўзларининг зарбдорона меҳнати билан бошқа ишчиларга ўрнак бўлишмоқда.

БУГУН

корхонанинг М. Охунова, М. Алиева, Р. Камолов, Р. Жўраев сингари ўнлаб ишчилари 1982 йилнинг биринчи кварталида планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Ана шу илғорлардан ибрат олган эллика яқин ишчи эса келаси йилнинг биринчи кварталида планини уддалаш арафасида турибди.

Бирлашма коллективининг аҳди қатъий. Ишчилар социалистик мусобақа асосида ғайрат-шижоат кўрсатиб, муборак сана — СССРнинг 60 йиллигини меҳнатда катта муваффақиятлар билан кутиб олиш учун курашишмоқда.

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи коллективи қишлоқ буюртмаларини тез ва сифатли бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Коллектив тўққиз ойлик меҳнат натижалари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлди. Йилнинг охирги кварталида ҳам корхона коллективи юқори кўрсаткичларга эришиш учун зўр ғайрат, шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: қишлоқ механизаторлари учун жўнатилаётган янги тракторлар.

М. Нуриддинов фотоси.

СССР 60 йиллигига — зарбдор ҳафталик

БУГУН ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНГАН ОЛТИНЧИ ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК БОШЛАНДИ

ГУЛГА — СИФАТ БЕЛГИСИ БЕРИЛДИ

БУГУН

Пойтахтимиздаги чинни заводида турли идишлар учун мўлжаллаб ишланган «Дилором» ва «Назокат» гулларига давлат Сифат белгиси берилди. Ана шу гулларнинг оригинал ва чиройли нусхасини корхонанинг Б. Собиров бошлиқ рассомлар группаси яратган.

Ҳозирги кунда заводда ўн беш ҳилдан зиёд маҳсулот — чойнак, пиёлалар, чинни косалар, лаганлар ҳамда чинни идишларнинг ҳар хил номдаги яхлит комплектлари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу маҳсулотлар республикамиз аҳолисига манзур бўлмоқда.

Завод коллективи шу кунларда шонли саналар — СССРнинг 60 йиллиги ҳамда Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу ерда ана шу юбилейларга аталган нафис маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш планлари ишлаб чиқилмоқда, ўртага ташланган таклифлар муҳокама қилинмоқда. Ана шу муносабат билан ишчилар ва завод рассомлари ўртасида вужудга келган яқин ҳамкорлик диққатга сазовордир.

Рассомлар идишларга туширилиадиган гуллар ва нақшларнинг янги-янги хилларини тавсия қилмоқдалар. Бунда маҳсулотнинг Шарққа хос, шарқона кўринишда ишлаб чиқаришга катта эътибор берилади. Айни пайтда бу ерда чинни идишларнинг «Шарқ» деб номланган янги комплекти ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда.

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

1-уйсозлик комбинатининг СССР Давлат мукофоти лауреати И. Орипов бошчилик қилаётган бригадаси бир неча йиллардан буён «беш кунлик топшириқни — тўрт кунда бажарамиз» шиори остида ишлаб, яхши натижаларга эришяпти. Ҳозир бу ташаббусга комбинатнинг 160 дан зиёд ишчиси қўшилган. Илгор бригадалардан бирига Х. Гизатуллин бошчилик қиляпти. Ишчилар смена топшириқларини 10 — 15 процентдан ошириб бажаришяпти. Бетончи Р. Хўжаев беш кунлик топшириқни мунтазам тўрт кунда адо этяпти.

Шу кунларда «СССР 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги мусобақа кенг тус олиб кетди. Меҳнат рекордлари сони тобора кўпайяпти. Социалистик мусобақанинг иштирокчилари маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беришяпти.

∴ ∴ ∴

Суратда: [ўнгда] бетончи Р. Хўжаев иш устида. [Чапдаги суратда] бригадир Х. Гизатуллин [чапдан биринчи] бригада аъзоларига янги топшириқ беряпти.

А. МИШИН фотолари.

● *Тошкент—жаҳонга*

Шарқ тилларида чоп этилди

Москвадаги «Прогресс» нашриётининг Тошкентдаги Ўрта Осиё бўлими бир неча йилдан буён хорижий мамлакатларнинг китобхонларини Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ҳаётида юз берган буюк ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ва бадиий асарлар билан яқиндан таништириб келмоқда.

Кейинги ҳафталарда «Прогресс» нашриёти бўлими араб тилида беш номда китоб нашр этди. «Ленин: ҳаёт, кураш ва ғоялар» деган тўплам пролетариат доҳийсининг ҳаёти ва жўшқин фаолияти ҳақида атоқли кишиларнинг хотираларидан иборат. Бундан ташқари ўзбек ёзувчиси О. Ёқубовнинг «Улуғбек ҳазинаси» романи, «Қозоқ халқ эртаклари», туркман адиби В. Худойназаровнинг «Қумлик кишилар» бадиий асари араб тилида ўқийдиган китобхонларга тақдим этилди Дари китобхонлари Комил Икромовнинг «Карвон ўтар» асарини ўз она тилларида қўлга оладиган бўлдилар. Тангри Қулиевнинг «Дутор ҳақида» қиссаси, Россия Федерациясидаги ўтмишда ёзув маданияти бўлмаган халқларнинг бугунги кунда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Улар ўз озозларига эга бўлдилар» китоби Россиянинг автоном областларидаги халқларни ижоди ҳақида ҳикоя қилади.

Нашриёт бўлими эрон ёзувчиси Бузург Алавийнинг «Унинг кўзлари» романини ҳам 90 минг нусхада ўзбек тилида нашр этди.

ПРАВДА саҳифаларида

● Варшава, 13 Польшадаги аҳволга доир» газетада ТАСС ахбороти эълон қилинган. Унда таъкидланишича бугундан бошлаб ПХР Давлат советининг декрети билан мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинган ва миллий қутқариш ҳербий совети ташкил этилган. Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг раиси В. Ярузельский радио орқали сўзлаб, халққа мурожаат қилди. У бу чора мамлакатда анархия вужудга келиши хавфи туфайли кўрилганлигини таъкидлади. Бунга «Ҳамкорлик» экстремистик кучларининг ҳокимиятга интилаётганлиги сабаб бўлди.

«Ҳамкорлик» экстремистик, шунингдек нолегал антисоциалистик ташкилотларнинг раҳбарлари, шу жумладан КОС—КОР ва «Мустакил Польша конфедерацияси» раҳбарлари хавфсизлантири л д и. Польшадаги ижтимоийсиёсий ва иқтисодий кризисга жавобгар бўлган шахслар группаси бетараф этилди.

ХОР КОЛЛЕКТИВИГА ФАХРИЙ УНВОН

Хор усулида ашула айтиш бизнинг республикамизда санъатнинг нисбатан ёш тури ҳисобланади. Бу тур Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин вужудга келди. Ўшанда Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг хори бу ердаги биринчи профессионал хор коллективи бўлди. Ўзбекистондаги ва бошқа республикалардаги тингловчилар таҳсинига сазовор бўлган бу коллектив классикларнинг, замонавий композиторларнинг асарларини ижро этмоқда.

Куни кеча хорга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ижрочи коллектив» деган фахрий унвон берилиши тўғрисидаги ёрлиқ топширилди. Коллектив юксак ижрочилик маҳорати учун ва республикада қўшиқ санъатини актив пропаганда қилганлиги учун шу унвонга сазовор бўлди.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг IX сессияси 1981 йил 17 декабрь соат 11.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида очилади (Ўзбекистон кўчаси, 9 уй).

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 10.00 рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкет шаҳар Совети ижроия комитети.

1982 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасига қарашли 7-автопарк коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига фаол қатнашаяпти. Ҳар ҳафта охирида ҳайдовчилар, слесарлар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақанинг якуни чиқарилади.

— Ўтган ҳафта якунига кўра 68, 102, 123-маршрутларга хизмат кўрсатаётган бригадаларнинг аъзолари ва И. Сулаймонов, Н. Акромов, А. Филонов, Х. Хошимов каби тажрибали ҳайдовчилар ғолиб чиқишди, — дейди автопарк партия ташкилоти секретари А. Харазов.

Бугунги кунда автопаркда 1982 йил ҳисобига меҳнат қилаётган ҳайдовчилар сони 30 кишидан ортиб кетди. Шахсий йиллик планни биринчилардан бўлиб бажариб, бугунги кунда ҳам баракали меҳнат қилаётганлар орасида В. Поросюкин, В. Воробьёв, М. Каримов, В. Воронов каби шофёрлар бор. Бундай илғорларнинг ташаббускорлиги туфайли коллектив ўтган ўн бир ойда пландан ташқари 148 минг пассажирга хизмат кўрсатди.

Диққат, янгилик

Хизмат кўрсатиш тезлашади

БУГУН

Шаҳардаги барча омонат кассаларда янги замонавий ҳисоблаш машиналарини ўрнатиш ишлари бошланди.

Шу муносабат билан шаҳар меҳнат омонат кассалари бошқармасининг бошлиги Светлана Васильевна Шаповалова мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Биз аҳолига омонат кассалар хизматини такомиллаштириш мақсадида Кўрск шаҳридаги ҳисоблаш машиналар заводидан 300 та такомиллашган «Искра-341» аппаратини келтирдик. Янги аппаратлар шаҳримизнинг Ленин, Шота Руставели, Навоий, Чилонзор, Пушкин, Полторацкий кўчаларидаги омонат кассаларида монтаж қилинмоқда.

Мавжуд электр билан ишлайдиган аппаратларда коммунал хизмат ҳақини бир неча операция бўйича ҳисоблаб чиқиш ўн минутгача вақтни эгаллар эди. Янги аппаратлар ҳисоблаш ишларига кетадиган вақтни кескин қисқартиради. Битта аппаратда бир кунининг ўзида 600 кишининг тўловларини ҳисоблаш мумкин. Янгилик янги йилнинг дастлабки кунидан бошлаб жорий этилади.

Яна бир янгилик. Ҳадра майдонидаги Тошкент Давлат цирки рўбарўсида тўққиз қаватли бинога ёндош қилиб, икки қаватли қўшимча бино қурилмоқда. Унинг биринчи қаватида Октябрь райони марказий омонат кассаси жойлашади. Бу касса учун 600 квадрат метр ҳажмида майдон ажратиб берилган. Унда 60 га яқин киши ишлайди. Бу ерда заёмлар тарқатиш ва сотиб олиш, пул ютуқларини тўлаш, коммунал хизмат ҳакини қабул қилиш каби кўпгина жараёнлар бажарилади.

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КУКАЛАМЗОР БЎЛСИН

ТЎРТТА ЯНГИ ХИЁБОН

Серқуёш пойтахтимизнинг Ленин районида яшил ниҳоллар йил сайин кўпаймоқда, Янги-янги хиёбонлар, меҳнаткашларнинг сайрғоҳ жойлари пайдо бўлмоқда. Шу йил бошида Қўйлик турар жой массивида болалар парки ташкил этилганлиги кичкинтойларни ғоят қувонтирган эди.

Эндиликда район ободонлаштириш бошқармаси ишчилари ҳаво очиқ кунлардан фойдаланиб, кўкаламзорлаштириш ишларини барвақт тугаллашди. Улар Қўйлик —4 микрорайони, Вокзалолди майдони, ҳалқа йўли ва Қорасув бозори филиали ёнида тўртта янги хиёбон барпо этишди. Ана шу жойларга сафора, ясень, заранг дарахтлари ўтқазилди. Район бўйича пландаги 22 минг туп дарахт, 54 минг туп яшил тўсиқ ўрнига салкам 77 минг туп турли кўчатлар ўтқазилди.

● *Жонажон Ватан бўйлаб*

Каникул завқли ўтади

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси коллективи мактаб ўқувчилари қишки каникулни қўнгилли ўтказиши учун бепоён Ватанимизнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб қизиқарли туристик саёҳатлар уюштиради.

Болалар Ватанимиз пойтахти Москва, Ленинград, Кисловодск, Одесса шаҳарлари ва Болтиқ бўйи республикаларига 5 — 10 кунлик саёҳатга йўл олишади.

— Тошкентлик ўқувчилардан иборат дастлабки саёҳат маршрути 27 декабрь куни Кисловодскка жўнаб кетади, — дейди бюро директорининг ўринбосари Абдурашид Валиев. — Ўқувчилар Кавказнинг кўркам манзаралари, Лермонтов яшаган жойлар билан танишадилар.

Шу билан бир қаторда иттифоқимизнинг турли шаҳарлари — Москва, Ленинград, Оржоникидзе ва Кисловодскдан 500 — 600 нафар ўқувчи Тошкентнинг бугунги жамоли ва жўшқин ҳаёти билан танишиш учун ташриф буюради. Улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар. Виставкалар, музейларни томоша қиладилар. Шунингдек, Чимён тоғ бағрига чиқиб, маданий ҳордиқ чиқарадилар.

Д. ИКРОМОВА.

Чимён чорламоқда

Кеча

Бўстонлиқ районининг хушманзара жойларида шаҳарлик ишчи ва хизматчиларнинг қишки дам олиш мавсуми бошланди.

Тоғ бағрида мусаффо ҳаводан баҳра олиш, қор устида чангида сайр этиш ва тўрли мусобақаларни ўтказишни Киров районининг меҳнаткашлари бошлаб бердилар. Кеча бу районнинг ишчи ва хизматчилари тушган 50 та автобус дам олувчиларни тоғ бағрига олиб келди. Кун бўйи спорт ишқибозлари ҳар хил мусобақаларда қатнашиб, ҳордиқ чиқаришди.

Бу ерда ўтган йилги дам олинадиган махсус майдон бузилиб, 200 метр берида янги майдон фойдаланишга топширилди. Унинг ҳажми энига 200, бўйига 300 метрдан иборат бўлиб, турли савдо дўконлари, маиший хизмат устахоналари, спорт дўконлари бор. Умумий овқатланиш учун қулай шароит яратилган. Юота автобуснинг туриши учун ҳам махсус майдон қурилди. Бунёдкорлик ишларини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли ободонлаштириш Бош бошқармасининг корхоналари жамоатчилик асосида амалга оширдилар.

Халқаро мавзуда сўҳбат

Ангола халқи енгилмасдир

Ангола пойтахти Луанда шаҳри марказидаги Биринчи Май номли майдонда «МПЛА» деб ёзиб қўйилган ҳарбий бронемашина қад кўтариб турибди. Бу —Ангола халқининг мустамлакачилар, ёлланган шайкалар ва иркчилар қўшинлари устидан қозонган ғалабасининг рамзидир. 1975 йил ноябрь ойида шу майдонда Ангола озодлиги учун кураш халқ ҳаракати — МПЛА асосчиси ва Ангола Халқ Республикасининг биринчи президенти Агостиньо Нето мамлакатни мустақил деб эълон қилди ва унинг Ангола меҳнаткашлари шиори бўлиб қолган «Озод бўлишга аҳд қилган халқ енгилмасдир!» деган сўзлари янгради.

Бундан 25 йил муқаддам —1956 йил декабрь ойида тузилган МПЛА халқнинг Португалия мустамлакачилариг қарши қуролли курашига бошчилик қилди, бу кураш ғалаба билан якунланди. Мамлакат мустақил деб эълон қилингандан кейин Ангола халқи МПЛА раҳбарлигида ҳамда Совет Иттифоқи, Куба ва бошқа социалистик мамлакатларнинг мадади билан ЖАР ва АҚШ ҳамда НАТО мамлакатлари гиж-гижлатган ва пул билан таъминлаб турган ёлланганлар тўдаси аггрессиясини даф этди. Аммо Ангола халқи ҳали кўп синовларга бардош бериши керак эди. «МПЛА, деган эди А. Нето, янги жамият қуриш учун курашда ҳам ғалаба қозонган тақдирдагина ўзининг тарихий бурчини бажарган бўлади».

1977 йил декабрь ойида Луандада МПЛАнинг I-съезди бўлиб ўтди. Съездда кенг миллий-озодлик ҳаракати— МПЛА Меҳнат партияси, марксизм-ленинизм позицияларида турган авангард партия қилиб қайта қурилди. Съезд шунингдек астасекин социалистик қурилишига ўтиш учун социал-иқтисодий негизларни барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Партия ривожланиб борган тинч қурилиш даврида қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш проблемасига жуда катта эътибор бериб турди. Ер давлат мулки деб эълон қилинди. Ҳозирги вақтда Ангола Халқ Республикасида (АХР) 300 дан ортиқ ҳар хил кооперативлар, 3,5 минг деҳқон уюшмалари 1,5 миллион кишини бирлаштириб турибди. Кофе майдонларини тиклаш катта аҳамиятга эга бўлди. Душманлар уруш йилларида 2300 кофе плантацияларидан икки мингтасини ёндириб юборган эдилар. Халқ «кофе учун жангда ютиб чиқди. Кофе донини экспорт қилиш чет эл валютаси тушуми манбаларидан бири бўлганлиги учун ҳам бу ғалаба жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республикада пахтачилик илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Узбекистондан келган мутахассислар ёрдамида Ангола диёрида «Тошкент —1» пахта навини муваффақият билан етиштирилмоқда.

Республика ҳукумати МПЛА Меҳнат партияси қарорига мувофиқ саноатнинг асосий секторлари устидан давлат назорати ўрнатди. Ҳукумат банкларни, металсозлик, тўқимачилик ва резина саноати корхоналарини, кўпгина цемент ва транспорт заводларини национализация қилди.

Шимолий Анголанинг Кабинда вилоятидаги нефть тозалаш корхоналари акциясининг кўп қисми илгари Америкаининг «Галф ойл» компанияси қўлида бўлиб, Ангола халқига жуда катта иктисодий зарар етказар эди. Бу корхоналар давлатга қарашли «Сонангол» компанияси ихтиёрига берилди. Революция ғалаба қозонгандан кейин «Галф ойл» компанияси нефть қазиб чиқаришни тўхтатиб қўйди. Лекин кейинчалик АХР билан музокаралар олиб боришга ва ҳар икки томон учун қулай шартлар асосида нефть қазиб чиқаришни давом эттиришга мажбур бўлди. АХРнинг ҳозирги президенти Жозе Эдуарду Душ Сантуш нефть саноатини миллий экономиканинг бош тармоғи деб атади. У мамлакатга барча валюта тушумларининг қарийб 80 порцентини бераяпти.

Анголада олмос қазиб чиқариш билан шуғулланаётган «Диеманг» компанияси акцияларининг 77 проценти АХР мулкига айланди. Илгари бу компанияда Жанубий Африка ва Англия капитали ҳукмронлик қилар эди.

Бироқ империалистик давлатлар ва Жанубий Африка Республикаси иркчи режими Ангола халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатига тўсқинлик қилишга уринмоқдалар. Улар монополияларнинг Ангола халқини эксплуатация қилиб олаётган жуда катта фойдаларидан маҳрум бўлишни истамайдилар, Африка жанубидаги воқеаларнинг ривожига халқ Анголасининг революционлаштирувчи таъсир кўрсатишидан кўрқаяптилар. 1976 йил июль ойидан бошлаб 1980 йил декабрь ойигача иркчилар Анголага қарши 1.274 марта куролли ҳаракат қилдилар. Иркчилар АҚШнинг ёрдами билан шу йил август ойида Анголага қарши жуда катта агрессия бошладилар. Бу агрессия ҳамон давом этмоқда. Бунинг натижасида минглаб тинч аҳоли ҳалок бўлди, экономикага жуда катта зарар етказилди.

Яқинда яна бир катта диверсия қилинди: Луандадаги нефтни қайта ишлаш заводига ўт қўйилди. Анголадаги террорчилар гуруҳининг бошлиғи Ж. Савимби бу иш унинг кишилари қўли билан қилинганлигини айтди ва шундай «ишни» давом эттириш учун АҚШдан қўшимча ҳарбий ёрдам сўрашга жўнаб кетди. Уни АҚШда қучоқ очиб кутиб олдилар.

МПЛА —Меҳнат партияси Марказий Комитетининг ноябрь ойи охирларида бўлиб ўтган пленуми объектив қийинчиликларга қарамай, АХР партиясининг қарорларига мувофиқ иқтисодий ривожланаётганлигини уқтириб ўтди. Пленум социализм асосларини қуриш учун моддий-техника базасини яратишдан иборат стратегик йўлни тасдиқлади.

Ангола меҳнаткашлари ва ишчилари ўз ватани учун мана шу оғир дамларда партия теварагига тағин ҳам мустаҳкам жипслашмоқдалар, қўлга қурол олиб халқ ҳокимияти ғалабаларини ҳимоя қилишга шай бўлиб, ўзининг биринчи президенти айтган «Озод бўлишга аҳд қилган халқ енгилмасдир!» деган сўзларни баралла такрорламоқдалар.

А. РАЧКОВ. [ТАСС].



Штатсиз фотомухбир И. Шоиноғомов яқинда Тошкент марказий телеграфида бўлиб, телеграф хизматчиларининг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи бир нечта фотосуратлар олиб қайтди. Чапдаги суратда 12 йилдан бери шу ерда ишлаб келаётган ВЛКСМ аъзоси, Светлана Мандриковани кўриб турибсиз. У план топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этмоқда. Ўнгдаги суратда пешқадам электромонтёр созловчи Валерий Муҳамеддинов тасвирланган.

СССРнинг 60 йиллигига—60 зарбдор ҳафта

Эҳтиёжни ўйлаб

Социалистик мусобақа тарихида шонли саналар шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қилиш анъана бўлиб қолди. Шу кунларда Ватанимиз меҳнаткашлари «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишдилар.

«Агар чин дилдан севиб эътиқод билан қаралса, ҳар қандай меҳнат ҳам чинакам ҳаётга айланади» — деган эди Максим Горький. Социалистик мусобақа бугунги кунда бир мақсад сари интилаётган минглаб, миллионлаб кишиларнинг баркамол ижодига айланди. Бу мусобақани улкан умммонга қиёслагинг келади. Унга станок ёнида туриб кичик бир детални ясаш билан қудратли машина қурилишига ҳисса қўшган ишчи ҳам, осмонўпар биноларнинг гиштини ердан биттама — битта теріб чиққан қурувчи ҳам, игнама-игна оддий матода чаман ундирган чевар ҳам актив иштирок этмоқда.

«Совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ равишда молларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш кўзда тутилсин», — дейилади СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 85 йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида. Партия кўрсатмаларига сидқидилдан амал қилган «Ўрток» кондитер фабрикаси коллективи ҳам СССРнинг 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш иштиёқида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб меҳнат қилмоқда. Корхонанинг олий навли конфетлар тайёрлаш цехи фабрика фахри. Бу ерда чиқарилаётган «Пахмоқ айинча», «Оқ олтин», «Қорақум», «Дўстлик», «Ўйинчоқ» каби конфетларга талаб катта. Ана шу талабни эътиборга олган коллектив конфетлар турларини кўпайтириш, сифатини оқлиқ борасида тинмай меҳнат қилмоқда. Кейинги йилларда «Орион», «Роҳат қўли», «Мовий гумбазлар», «Қувноқ поталар» каби янги конфет турлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Аҳолига маъзур бўладиган конфетлар ишлаб чиқариш, уларнинг хуштаъмлигини таъминлашда фабрика лабораторияси коллективининг хизмати катта. Мутахассислар бу ерда янги конфетларга рецептлар тайёрлар экалар, уларнинг хуштаъмлиги ҳамда нархининг ҳам жуда юқори бўлмаслигига ҳаракат қиладилар.

— Конфетларнинг арзон нархда бўлиши, уларнинг сифатига таъсир қилмаслиги керак, — дейди фабрика лабораторияси н и н г тажрибали ходими Осия опа Ниомова, — бу аввало корхона маҳсулотларининг реализациясига таъсир қилса, қолаверса аҳоли талабларига мос бўлиб тушади. Дарвоқе, шуни фахр билан айтиш керакки, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги қошидаги сифат инспекцияси ҳамда Давлат стандартлар боқчармаси кўп йиллардан бери фабрика олий навли конфетлар тайёрлаш цехининг маҳсулотлари сифатини талаб даражасида эканлигини таъкидлайдилар. Бу цехда Ленин ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ ордени лари кавалери Салтанат опа Знемуҳамедова, унинг мусобақадош сменчиси Мария Васильевна Горностаева каби ўз кассасининг ходирлари бор. Уларнинг сменаси ҳар куни планда белгиланган 9 тонна ўрнига 9.700 килограммгача етказиб олий навли конфетлар ўрашмоқда. Ҳар бир бригада, участка, бўлим ва ўровчи машинистлар орасида социалистик мусобақа ойма-ой якунланиб турилади, илғорлар рағбатлантирилади. Бу мусобақада Рашида Ҳусанова, Гулчеҳра Комилбекова, Муҳайё Шодиматова каби ўровчи машинистлар илғорлик қилмоқдалар.

— Бизнинг ишимиз кўп жиҳатдан олдинги цехларнинг ишига ҳам боғлиқ, — дейди Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Гулчеҳра Комилбекова, — айниқса хом ашёни вақтида тайёрлаб бериш, этикеткалар билан таъминлаш ишимизни тезлаштиради. Бригадамизда 14 киши ишлайди. Биз ишни бригада методида ташкил қилганмиз. Сменадошимиз Антонина Самойлова бригадаси билан ўзаро мусобақамиз ҳар икки бригадага муваффақият келтирди.

Ҳа, социалистик мусобақа намчиликларни тўлдириш, ютуқларни оммалаштириш демакдир. «Ўрток» кондитер фабрикаси ҳам қандолатчиларнинг илғор тажриба мактабига айланиб қолди. Бу ерга иттифоқими з н и н г Фрунзе, Қарағанда каби шаҳарларидан мутахассислар тажриба алмашиниш учун келиб турадилар.

— Муваффақиятларимизнинг боиси ишни тўғри ташкил қилганмизда, — дейди фабрика директори, техника фанлари нандидати Мирзиёд Каримжонов. — Социалистик мусобақани ташкил этаётганимизда асосий эътиборни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга қаратдик. Натижада шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида пландан ташқари 440 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 600 минг сўмга етказилиб, меҳнат унумдорлиги 103,1 процентга кўтарилди.

Корхона республикамизнинг 15 илғор ишчиси ташаббусини қувватлаб чиққан ишлаб чиқариш илғорлари билан фахрланади. Улар бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш учун битта ўрнига иккитадан ўраш машинасида ишламоқдалар. Карамель цехининг 6 ишчиси оширилган мажбуриятни олиб, ҳозир 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Социалистик мусобақа ҳар ойда ва ҳар кварталда якунланиб, илғорлар мукофотланадилар. Шу йил давомида фабрикаининг трюфел конфетлар тайёрлаш цехи беш марта ғолибликни қўлга киритди. Цех коллективи фабрика кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. Ҳом ашё тайёрлаш бўлимининг ишчилари олти марта фабрика социалистик мусобақасида иккинчи ўринни олдилар. Низомова бригадаси меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун «СССР озиқ-овқат саноатининг энг яхши бригадаси» унвонини олди ва вимпел билан мукофотланди.

Маълумки, социалистик мусобақада қурилиш муддатларини қисқартириш, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қуроллантиришни жадаллаштириш каби шартлар мавжуд. Фабрика бу борада ҳам анча ибратли ишларни амалга оширди. Ишчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш учун цехларни янги техника билан қуроллантириш, қўл меҳнати ва оғир ишларни механизациялаш тадбирлари қўриляпти. Масалан, конфет цехида «Ф—1» конфет қуйиш машинаси монтаж қилинди. Бу маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга, меҳнат унумдорлигини кўтаради. Ирис цехида «ЛА—1» сериали пресслаш, қолиплаш агрегати ўрнатилди. Дидли харидорларга манзур бўлиши учун турли шаклдор кесиш ускуналари жорий қилинмоқда. Яқиндагина Олмалиқ шаҳрида бир йилда 9 ярим минг тонна ирис ишлаб чиқариш қувватига эга янги ирис цехи ишга туширилди. Харидорлар янги корхонанинг дастлабки маҳсулотларини харид қилиб ила бошладилар.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Давлат План комитетига қарашли илмий-техника ахбороти ва техник тадқиқотлар илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

СССР 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада турган Қўқон суперфосфат заводининг коллективи «ҳар куни пландан ташқари маҳсулот берамиз» деган шиор остида меҳнат қилмоқда.

Пахтакор республикаларга беш йиллик иккинчи йили ҳосили учун вахта бошлаганидан бери топшириқ ва қўшимча равишда 430 тонна ўғит юборилди. Қўқон суперфосфатчилари йил бошидан бери қишлоқ меҳнаткашларига пландан ташқари қариб 1,5 минг тонна минерал ўғит жўнатдилар.

Қўқонликлар ишлаб чиқариш суръатларини ошириб бориб, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада юксалтириш, ички резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш ҳисобига беш йиллик икки йили планини 1982 йилнинг 26 декабригача бажаришга, топшириққа қўшимча равишда 3,8 минг тонна суперфосфат ишлаб чиқаришга сўз бердилар.

⁂

Наманган мебель фабрикаси давлат сифат белгиси қўйилган дастлабки мингта шкафни сотиш учун жўнатишга тайёрлади. Наманган мебелчилари ўз маҳсулотларига фахрий бешбурчак тамғасини қўйиш ҳуқуқини қўлга киритиб, ўн биринчи беш йиллик биринчи йили учун зиммаларига олган социалистик мажбуриятларининг энг муҳим бандларидан бирини муддатидан илгари бажардилар.

Наманган фабрикасининг ҳозирча олий сифат категорияси белгиси олмаган бошқа хил мебеллари ҳам магазинларда туриб қолаётгани йўқ.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи йиллик план-топшириқларини ортиғи билан адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Сиз суратда бирлашма 1-филиалининг Валентина Ганяева бош бўлган бригада аъзоларидан бир группасини кўриб турибсиз. Бу илғор тикувчилар шахсий беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилишган.

М. Нуриддинов фотоси.

◆ ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚЛИ ЗОНАГА

ЎЗГАРУВЧАН ГРАФИК АСОСИДА

Механизаторлар учун ўзгарувчан ҳордиқ куни графигининг жорий этилиши Новгород областида ишлаётган ўзбекистонлик мелиораторлар техника унумдорлигини анча оширишларига, машина-ускуналарни ремонт қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни яхшилашларига имкон берди.

РСФСРда хизмат кўрсатган мелиоратор, «Узновгор о д в о д с т р о й» трестининг «Тошкент-2» механизацилашган кўчма колоннасидан дренажчилар бригадири А. Соловьев меҳнатни ташкил қилиш янги методига биринчи бўлиб ўтди. Ўзгаришнинг моҳияти шуки, кўп чўмичли ЭТЦ-202 экскаваторлари аввалгидек ҳафтасига беш кун эмас, балки олти кун ишлайди. Чунончи, звеноларнинг ишга тўла состав билан тушмайди: мелиораторларнинг бир қисми дам олади, унинг ишини эса ўрнатоқлари бажаради. Уларнинг ҳаммаси бир неча турдош касбларни ўрганиб олишган. Натижада бригада 50 километр ёпиқ дренаж қатқизиб, октябрь ойи бошларидаёқ йиллик программани бажарди.

Умуман механизациялашган колонна ҳам барча кўрсаткичлар жиҳатидан йиллик топшириқни бажарди. Шундай қилиб, «Соловьев методи» областдаги барча сув хўжалик ташкилотларида кенг кўламда ишлатилмоқда.

(ТАСС).

Баришникова Мадина 20 йилдан бери «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келади. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу ишчи кунлик нормасини мунтазам равишда 115—120 процентга етказиб адо этмоқда.

Суратда: М. Баришникова.
И. Шоиноғомов фотоси.

ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛОВЧИ

АҲОЛИ ҚИЙНАЛМОҚДА

Яқинда кечки пайт Зиё Саид кўчасига бориш учун Хадра бекатида 8-маршрутдаги трамвайни роса 45 минут кутдик. Бу ердан ўтувчи 64-экспресс автобусига эса одам кўплигидан чиқишнинг ҳеч иложи бўлмади. Шу куни қайсидир ташкилотнинг хизмат автобусига ўтириб, Штаб бекатига зўрга етиб олдик. Бундай воқеалар деярли кун сайин содир бўлади.

Қизиғи шундаки Зиё Саид кўчаси билан ёнма-ён Бешқайрагоч массивига борувчи Ўйғур кўчасидан ўнга яқин автобус маршрути ўтади. Фикримизча, ана шу маршрутларнинг айримларини Зиё Саид кўчасидан ўтадиган қилиш керак. Барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармаси мутахассислари ушбу масалани ўрганиб, ижобий ҳал этишлари керак. Шаҳар трамвай-троллейбус бошқармаси раҳбарлари эса 8-трамвайнинг график бўйича қатнашини таъминлашлари лозим.

А. НАБИҲЎЖАЕВ,
пенсионер.

ХАРИДОР НЕГА РАНЖИДИ?

«ЙЎҚ» ДЕБ ҚУТИЛИШЯПТИ

Сергели — 1 микрорайонига кўчиб келганимизга бир йилдан ошди. Яқинда биз яшаётган микрорайонда битта кичкина савдо дўкони ташкил этилди. Эндиликда кундалик энг зарур истеъмол молларини шу ердан харид қиламиз, деб ўйлаган эдик. Афсуски, бундай бўлмади. Дўконда кундалик харид моллари камдан-кам тўпилади. Шу туфайли аҳоли Сергели савдо марказига қатнашга мажбур. Лекин у ердаги савдо ходимлари ҳам кўпинча харидорларни ранжитишмоқда.

А. УРОЗМЕТОВ.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ
14 ДЕКАБРЬ. 1981 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БУЛОҚЛАР ХАРИТАСИ

ПРАГА. Чехословакия фанлар академияси геофизика институти мутахассислари ЧССРнинг халқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган иссиқ булоқлар харитасини туздилар. Саноатда ва коммунал хўжаликда иссиқ булоқлар энергиясидан кенг фойдаланиш — 1981 — 1985 йилларда мамлакат экономикаси олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Словакия булоқларидан чиқаётган иссиқ сув энергияси ҳар йили қариб 40 минг тонна кўмирнинг ўрнини қоплямоқда.

ЯНГИ ЙЎЛ ОЧИЛДИ

БУҲАРЕСТ. Румния Социалистик республикасида энг катта Олт дарёси водийсида янги темир йўл магистрали белгиланган муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Янги йўл калимэнсшти билан Лотрулуй гур аҳоли пункти ўртасида қурилди. Магистрал илгариги ўтган темир йўл линиясидан 20 метр баландликка кўтарилди. Шу ерда қурилаётган гидроэлектростанция йил охирида ишга туширилгандан кейин эски темир йўл сув остида қолади.

ЖИНОЯТ АВЖ ОЛМОҚДА

ҚОҲИРА. Мисрдаги «Ал-Миня» шаҳрининг полицияси қадимги дафналарни талаш ва ажнабий сайёҳларга фиравнлар даврининг осор-атиқаларини сотиш билан шуғулланиб келган жиноятчиларнинг катта шайкасини қамоққа олди.

Операция чоғида тиллойи нақшлар билан ва иероглиф битиклар билан безатилган 7 та тобут топилди. Кўпдан кўп қадимги тилла безаклар ҳам мусодара этилди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, кейинги йилларда Misр диёридан топилган бебаҳо хазиналар тобора кўпроқ яширинча йўллар билан чет элларга жўнатилмоқда. Мамлакатда қонунга хилоф равишда қазишмалар билан шуғулланувчи ва чет эллардаги мижозлар билан қалин алоқада бўлган бир қанча яширин «синдикатлар» ишлаб турибди. Тарихий ёдгорликларни талаганлик учун бериладиган жазоларнинг ниҳоятда енгиллиги бу жиноий ишларнинг авж олишига йўл очиб бераётган омиллардан биридир. Масалан, миллион-миллион фойда келтирадиган иш учун жиноятчи мамлакатдаги мавжуд қонун асосида... атиги 100 Misр фунти миқдорида жарима тўлаб қутилиб кетиши мумкин.

ВАРНА ПОРТИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

СОФИЯ. Варна порти очилганига 75 йил тўлди. Шу йиллар мобайнида портга барча қитъалардаги ўнлаб давлатларнинг кемалари қатнаб турди. Порт ўзининг шонли тарихига ега. Варна докерлари ватаннинг қаҳ-доблиги учун курашчиларнинг ҳамиша биринчи сафларида бўлиб келдилар.

Ўтган 75 йил мобайнида порт ҳаётида жуда катта воқеалар юз берди. Эндиликда у тамомила янгидан қурилди, деса бўлади. Бу ерда энг замонавий транспорт ускуналари ўрнатилган. Порт причалларидаги янги механизациялаштирилган омборлар айни бир вақтнинг ўзида юзга яқин кемани қабул қила олади. Бу ерда юкларни тез ортиш-туширишнинг энг янги усуллари муттасил жорий этилмоқда.

Варнага ҳар куни ўнлаб кемалар келади. Аммо совет денгизчиларини бошқалардан кўпроқ учратиш мумкин. Улар портга металл, бинокорлик асбоб-ускуналари, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари келтириб, бу ердан мотокар, станок, электроника асбоблари, кийим-кечак, консерваларни юклаб кетадилар.

СУРЪАТ ОРТМОҚДА

ГАВАНА. Кубада 1982 йилги шакарқамиш ўриб олиш кампанияси тобора кучаймоқда. Республика меҳнаткашлари Компартия II съезднинг қарорларини бажара бориб, бу ишни энг кўп даражадаги самарадорлик билан якунлашга интилмоқдалар. Сўнгги маълумотларга қараганда, шакарқамиш ўриб олишда Матансас вилояти олдинда бормоқда.

Бу йил шакарқамиш ўриб олиш кампанияси Куба тарихида энг самарали йил бўлади, деди Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, қанд саноати министри Д. Торральба телевидение орқали сўзлаган нутқида.

Қариб 3 миллиард арроба шакарқамиш (1 арроба 11,5 килограммга тенг) комбайнлар ёрдамида ўриб олинади, деди у. Куба бу ишни механизациялаш жиҳатидан эндиликда қанд, шакар етиштирувчи бошқа барча мамлакатларга қараганда олдинда бормоқда. Республикада шакарқамиш ўриш комбайнларидан кенг фойдаланиш ҳисобига 230 минг шакарқамиш ўрувчини оғир жисмоний ишдан ҳоли қилишга эришилди. Эндиликда бу кишилар ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида меҳнат қилмоқдалар, деди министр.

Хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрлик

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида мамлакат хотин-қизлари марказий клуби тантаналиравишда очилди. Бу Афғонистонда шу тиндаги биринчи ташкилотдир, дейди клуб раиси Жамила Наҳид. У клуб ишида Афғонистон хотин-қизлари демократик ташкилотининг аъзолари иштирок этажанларини айтди. Клубда бешта секция бўлиб, шулардан энг каттаси ишлаб чиқариш секциясидир. Бу секцияга тўлиқ иш куни ишлаш имкониятига эга бўлмаган хотин-қизлар жалб этилган. Чеварлар клубда каштачилик, тўқувчилик, миллий либослар тикиш билан шуғулланадилар. Шу секция ҳузуридаги болалар боғчасида болаларнинг дам олиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Оналар улардан кўнгилларн тўқ бўлиб, ўзларини севимли ишдаги тамом бажишлашлари мумкин.

Хотин-қизлар марказий клубининг раиси айтганидек, яқин вақт ичида шундай муассасалар Афғонистон пойтахтининг турли районларида, хусусан ишловчи хотин-қизлар кўп бўлган корхоналарда пайдо бўлади. Клубнинг очилиши — АХДП билан республика ҳукумати Афғонистоннинг меҳнаткаш аёллари тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликларининг яна бир ифодасидир.

КОБУЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОШ ПЛАНИ

КОБУЛ. Афғонистон Демократик республикасининг Революцион Кенгаши Кобулни ривожлантириш Бош планини тасдиқлади. Бу планда йирик уй-жой комплексларини барпо этишга асосий эътибор берилади.

Бу иш аҳолиси сўнгги ўн йил мобайнида икки баравар кўпайиб, 1,2 миллион кишига етган пойтахт учун катта аҳамиятга эга, — деди ТАСС мухбирига АДР жамоат ишлари министрлиги уй-жой қурилиши кооперативлари бошқармасининг бошлиғи Ғайрат.

Янги районларни барпо этишда, деб таъкидлади Ғайрат, Кобул уйсозлик комбинати иштирок этмоқда. Бу комбинат совет мутахассислари билан ҳамкорликда фойдаланишга топширилган бўлиб, у янги районлар қурилишини СССРда ишлаб чиқилган лойиҳа асосида амалга оширмоқда. Ҳозир афғон қурувчилари Совет Иттифоқидаги ҳамкасбларининг катта тажрибасидан фойдаланиб, каркас темир-бетон конструкцияларни қуриш янги методини ўзлаштирмоқдалар.

Келгуси йили қурилиш миқёсини икки баравар кенгайтириш кўзда тутилмоқда, деди у. Фанат кооператив секторининг ўзигина Кобул аҳолисига ҳар йили 400 — 500 та замонавий квартиралар қуриб бериши мумкин. Уй-жой кооперативлари мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам тузилади.

ЎЗБЕК ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ АФҒОНИСТОНДА

КОБУЛ. Тошкент давлат республика қўғирчоқ театрининг гастроллари Афғонистон пойтахтида муваффақиятли давом этмоқда. Спектаклар Кобул драма театрининг биносида кўйилмоқда. Шу кунларда бу театр батамоман болалар ихтиёрига бериб қўйилган. Театр фойесида кичик томошабиларни ажойиб қўғирчоқлар кутиб оладилар, сўнгра саҳнада шу қўғирчоқлар билан галати воқеалар рўй беради.

Тошкент театри ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган учта болалар қўғирчоқ спектакли: «Семурғ», «Олабўйи» ва «Чавандоз қиз» спектакларини олиб келган. Спектакларнинг ҳаммаси — афғонларнинг она тили — дорий тилида кўрсатилмоқда. Ҳозиргача спектакларни афғон болаларидан уч мингдан кўпроқ киши томоша қилди.

Ўзбек артистлари труппасининг раҳбари С. Х. Олимхўжаев ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: бизнинг Афғонистон Демократик республикасига келишимиздан мақсад — артистларимиз санъатини кўрсатишгина эмас, биз афғон ҳамкасбларимиз илтимосига кўра, миллий қўғирчоқ театрини ташкил этишда уларга ёрдам ҳам берамиз. Бунинг учун биз афғонлардан 10 кишини Тошкентга келиш учун таклиф қилдик. Улар Тошкентда қўғирчоқ тайёрлашни ва уларни кўрсатишни ўрганиб оладилар, саҳна техникасини ўзлаштирадилар.

Совет Ўзбекистонидан келган артистларнинг спектакллари — Афғонистон пойтахтининг маданий ҳаётида, айниқса, кўпгина жажжи кобулликлар ҳаётида муҳим воқеадир, деди афғон театрининг директори Х. Жалия. Бу — афғон ва совет маданият ходимлари дўстлигининг яна бир ёрқин саҳифасидир. Бу дўстлик кун сайин мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда.

Хўжаликлараро кооператив

УЛАН-БАТОР. Социалистик Монголиянинг Ара-Ҳангай аймоғида яна бир катта агросаноат хўжалиги тузилди. 3 та қишлоқ хўжалик бирлашмаси маблағлари ҳисобига қурилган янги «тунгалар тамир» хўжаликлараро кооператив емхашак етиштириш молларни бўрдоқига боқиш, қишлоқ хўжалик бирлашмаларини қуриш ва обод қилиш, сабзавот ва картошка етиштириш билан, шунингдек ҳар хил юклар ташиш билан шуғулланади.

Қор, жала, зилзила

БУДАПЕШТ. Жанубий Венгриядаги Печ шаҳрининг аҳолиси табиатда камдан-кам бўладиган ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Тўсатдан бошланган қор билан бирга момақалдироқ гулдуросли ва чақмоқлар ҳам бўлиб турди. Синоптикларнинг ҳабарига кўра, шаҳар устида иссиқ ҳаво билан совуқ ҳаво ниқнинг тўқнашуви қор ёғиш чоғидаги момақалдироққа сабаб бўлган. Қишки момақалдироқ чоғида Печдаги ҳавонинг ҳарорати 8 градус пасайиб кетди.

▿ ▿ ▿

САН-ФРАНЦИСКО. Айдаҳо штатининг жанубий-ғарбий қисмида Рихтер шкаласи билан беш балл нучдаги зилзила бўлди. Зилзиланинг эпицентри Содаспринс шаҳридадир. Дастлабки маълумотларга кўра, қурбонлар ва вайронгарчиликлар йўқ.

⁂

НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатларнинг шарқий ва ғарбий соҳиларида қор бўронлари бўлди, қуюқ туман тушиб жала ёмғирлар ёғди. 20 га яқин киши табиий офат қурбонлари бўлди.

1978 йилдан бери энг кўп қор ёғиш натижасида Род-Айлэнд, Массачусетс ва Коннектикут штатларининг катта территориясида мактаблар ёпилди, транспорт ишн ишдан чиқди, самолётлар учирилмай қўйилди. Бостон шаҳрида бир кун мобайнида ярим метрга яқин ёғин тушди. Бу кейинги 50 йил ичидаги рекорд даражадир. Электр таъминоти бузилганлиги сабабидан янги Англия Штатларида қариб 100 минг киши чироқсиз қолди.

Калифорниянинг жанубидаги қуюқ туманлар кўпдан-кўп автомобиль фалокатларига сабаб бўлди.

▿ ▿ ▿

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Олти соатдан кўпроқ тинмисиз ёққан жала ёмғир Бразилиянинг Рио-Де-Жанейро шаҳрида кўп ув-жойларни вайрон қилди. Шаҳар ҳаётини ва транспорт ишини тўхтатиб қўйди.

Кўчаларда сатҳи бир метргача борадиган жўшқин сув оқимлари пайдо бўлди. Метростанцияларни, вентиляция қудуқларини сув босди. Қоғдан ажралган кўп тонналн палахса тош шаҳардаги марказий автомобиль йўлларининг бирига тушди ва шаҳарнинг аҳолиси қалин яшайдиган районлари ўртасидаги ҳаракатни тўхтатиб қўйди. Нобуд бўлган кишилар бор.

Рио-Де-Жанейро штати шаҳарларида кўпдан-кўп уйлар вайрон бўлди. Йўлларни сув ювиб кетди, қишлоқ хўжалигига катта зарар етказилди. Ўнлаб кишилар ҳалок бўлди, минглаб киши бошпанасиз қолди.

▿ ▿ ▿

БАНГКОК. Таиланднинг жанубий вилоятларидаги катта тошқин натижасида 40 дан ортиқ киши ҳалок бўлди, минглаб кишилар бошпанасиз қолди. 500 минг гектардан зиёд майдондаги қишлоқлар пайҳон бўлди, транспортнинг ишн тўхтаб қолди.

Етказилган зарар 3 миллион батд (13 минг доллар) деб чамаланмоқда.

РАМЗ БОБОЖОН 60

ҲАЯЖОН ҲАМИША ҲАМРОҲ

Бахт нима, бахтиёр одам ким, деган сўроққа ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Ўйлаб кўрилса, юракнинг қотиб қолмаслиги, умр бўйи қуйиб-ёниб, ёниб-югуриб, суйиб-севилиб яшаш бахт, эл-юрт, ўзгалар қувончини юрак-юракдан ҳис этиш бахтиёрлик. Қалби ҳаяжонга, меҳрга тўлиқ кишилар дунёни тарк этмайдилар: кишилар қалбига, эзгуликлар моҳиятига сингиб кетадилар. Кичкинагина юрак агар у ёлқинли бўлса, кенг жаҳонни ўзига сиғдиради: инсоннинг улуғлигини тасдиқлаб боради. Бундан салкам ярим аср муқаддам ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган шоир ўз юрагига бир олам умидишонч билан илтижо қилган эди:

Юрагим, сен
суянган тоғим,
Шеър сенда мисоли
вулқон.
Адо этгин Ватан
ҳизматин,
Орзуларим ушалсин
ҳар он.

Юрак шоирнинг ишончини оқлади: куйлашдан тиймади, ҳайратланишдан қолмади, безовталикни тарк этмади. Қирқ етти йил ичида шоир неча-неча юзлаб шеърлар ёзмади, қалб амри билан қанча-қанча тақдирлар билан қизиқмади, эллар-элатлар урф-одатларини ўрганмади, қанчадан-қанча юртларни кезмади. Шоир қаерда, қачон, кимлар билан мулоқотда бўлмасин, юрак ҳамиша ҳаяжонини йўқотмади, куйлашга шай турди. Бугунги кунга келиб ҳаяжонли юрак меҳнатининг самараси: Рамз Бобожоннинг ўзбек, рус ва қардош халқлар тилларида, ҳорижий тилларда нашр этилган юзлаб китоблари пайдо бўлди. Бир мақола ҳажмида шоир яратган асарларни, улардаги куй, фикр, оҳанг, образларни тўла таҳлил этиш сира мумкин бўлмаганлиги сабабли Рамз Бобожон ижодининг баъзи хусусиятлари ҳақидагина тўхталиб ўтамиз.

Рамз Бобожон — поэзиянинг ҳақиқий мезбони: унинг драматургиядаги уч-тўрт асари, публицистик мақолалари деймасса, шоир асосан шеърият майдонида ижод қилди. Ярим асрлик ўзбек поэзиясида қандай ўзгаришлар рўй берган бўлса, уни Рамз Бобожон ижодида ҳам кузатиш мумкин. Баъзилар ҳаёт материалини поэзияга сиғдиролмай, кўпинча прозага ўтиб кетадилар. Рамз Бобожон ҳаётни қанчалик теран ўрганмасин, мураккаб характерларга дуч келмасин, поэзиянинг ички тартиблари қатъий бўлган доирасидан четлашмади. Шоир ҳаётий материалга монанд ҳис-туйғу, ҳаяжон топа олди: ҳамма асарларини назмнинг гоҳ енгил, гоҳ вазмин, гоҳ шодон, гоҳ ғамгин оҳанглари орқали ифода этди. Ҳар бир шоир даставвал ўз эли, ўз юртини куйлайди. Республикамизда кейинги 40-45 йил ичида рўй берган муҳим воқеалар, меҳнатда, бунёдкорликда донг таратган кишилар Р. Бобожон шеърларида куйланди. Шоирнинг шеърлари қалбидаги меҳрни, садоқатни, муҳаббатни янада нурлантирган одамларга бағишланган. Рамз Бобожон пахта ҳосилини бир миллион тоннадан («Сизга») олти миллион тоннага олиб чиққан бобо деҳқонни улуғлайди. Шоир инқилобни амалга оширганлардан тортиб («Бобом билан суҳбат»), космосга парвоз қилган қаҳрамонларни ҳам («Уч қаҳрамон ҳақида баллада») мадҳ этади. Рамз Бобожон ижодида туғилиб ўсган шаҳри Тошкент алоҳида ўрин эгаллайди. Шоир она шаҳри гўзал Ўзбекистоннинг пойтахти, Шарқ машъали эканлигидан беҳад қувонади. У Тошкентнинг эллигинчи йиллардаги, зилзилагача даврдаги ва ҳозирги «портретини» чизади:

Тошкент жамолига
тўймайсан қараб,
Яшил яproқларда
ўйнар олтин нур,
Шаббода гулларни
қучар эркалаб,
Гўзаллик қалбларга
бахш этар, ҳузур.

Шоир қалби янгиликка ўч: янги-янги шаҳарлар, юртлар, турли миллат кишилари билан танишиш ижодкор қалбидаги ҳаяжонни кучайтиради, туйғуларни янгилайди. Рамз Бобожон поэзиясида беғоён совет юрти, ога-ини, опа-сингиллардай ахил халқлар ҳаёти ўз ифодасини топади. Дўстлик совет кишиларининг энг қимматли хусусияти эканлиги шоир шеърлари, баллада ва поэмаларида кенг ёритилади. «Бобом билан суҳбат», «Қадрдон дўстлар» поэмалари моҳиятига совет кишиларининг дўстлик туйғуси сингдириб юборилган. Совет кишилари эришаётган барча ғалабалар заминида дўстлик туйғуси ётади. Рамз Бобожон Улуғ Ватан уруши йилларида ёзган шеърларида, Тошкент зилзиласи оқибатларининг тугатилиши ҳақидаги асарларида дўстлик тушунчасини алоҳида таъкидлайди.

Шоир дўстликни қанчалик улуғласа, муҳаббатни шунчалик эъзозлайди. Унинг наздида муҳаббат кишилар ҳаётининг моҳиятини белгилайди. Севги ҳар бир қалбга қувват, келажакка ишонч бахш этади. Шоир энг сара шеърларидан тузилган тўпламларидан бирини «Муҳаббатга таъзим» деб аташи бежиз эмас. Рамз Бобожон ижодида муҳаббатнинг деярли барча қирралари ёркин ифодаланган: шоир ўз ёрига бўлган муҳаббатини, оталик меҳрини, дўстга садоқатини, Ватанни севиш туйғусини чуқур эътиқодини қаламга олади.

Шоир беғоён Ватанимиздан четга чиқар экан, уни янги ўйлар, туйғулар чулғайди. Дастлаб у оламнинг кенг, ранг-баранглигини ҳис қилади, совет кишиси эканлигидан ғурурланади. Лирик қаҳрамон характеридаги коммунистга хос синфий зийраклик, партиявий изчиллик, курашчанлик руҳи аниқ сезила боради. Венгрия, Болгария сингари дўст мамлакатларда бўлар экан, лирик қаҳрамон меҳмонга хос ширинсуханликни тарк этмайди. Демократик мамлакатларнинг шаҳарларини, машҳур одамларини улуғлайди: Бетховен, Шандор Петефи, Мадорас, Иоирдан Милев сингарилар ҳақида шеърлар ёзади. Совет Иттифоқини қардош халқлар билан боғлаб турган муҳим хусусиятлар ҳақида мулоҳаза юритади. Рамз Бобожон, «Баҳс» поэмасида ўз биографиясини анкета саволларига жавоб йўсинида ёритар экан, капиталистик дунёга муносабатини рўй-рост ифодалайди.

— **Ун вонингиз?**
— **Коммунист.**
— **Бўлганмисиз ҳорижда?**
— **Лондонда,**
Парижда...
Токиога кўнганман,
Работда бўлганман...
Ўзидан-ўзи безиб,
Томирини чўрт
кесиб,
Барг ёзмасдан —
сўлганларни
кўрганман...
Арқонга ўзин осиб,
Еки паравоз босиб,
Ўлганларни
кўрганман...
Кўрганман
ишсизлар —
Қаримсиқ
тишсизларни...

Дунё кезиш, турли эътиқод, табақадаги кишилар билан учраниш Рамз Бобожонни ҳаёт ҳақида теран фикрлашга, инсон умри мазмунини чақиб кўришга ундади. Шоир шундай шеърий шакллар танладики, уларда ҳозирги мураккаб дунёнинг чигал савдолари, бугунги кун ва ўтмишаро боғлиқлик, «кўзга ташланади». Аввалларидан шоир ҳорижий юртларда кўрганларини катта-кичик шеърларда ифодалади. Шоир таассуротлари, ўйлари, туйғулари шеър миқёсига сиғмай қолди. У йирик поэтик жанр — поэма имкониятларидан унумли фойдалана бошлади. Р. Бобожон поэмаларида изчил сюжет йўналиши сезилмайди, уларда ҳаётдагидай мураккаблик, дарҳол англаб олиш мушкул бўлган кенг кўламлилик бор. Шоир кўпчилик шеър, поэмаларида ҳаёлий танқидчи билан баҳсга киришади. Лирик қаҳрамон қаршисида андозадаги танқидчи пайдо бўлади:

«Қани, — дейди,
таржиман ҳол,
Назарингга бўйсунмас
нечун?
Воқеа йўқ, қаерда
тугун?
Ечим-талаб қилади
савол.
Портрет-чи, кўринмас
яқол,
Бежитизом кофия,
вазн...
Бу қандай гап,
насрми-назм».

Шоирнинг ҳаёлидаги танқидчи билан баҳси ижод сирлари ҳақидаги қарашларининг бутта кўриниши, ҳолос. Рамз Бобожон жуда кўп шеърларида ижод жараёни, илҳом парисини кутиш онлари, уларнинг қанчалик қийин, айни вақтда завқлилиги ҳақида тўлиб-тошиб ёзади.

Шоир уч достони — «Ҳиндистон онаси», «Ҳайёмнома», «Минг бир турна» асарларини бир циклга бирлаштирди, триптих номи билан атади. Ҳар уч асарда нотинч Осиё, маданияти қадим-қадимларданоқ ривожланган халқларнинг бугунги империализм моҳиятидан келиб чиқади. Империалистлар ҳийла-найранг билан, дўқ-пўписа билан, даҳшатли қуроллар кучи билан халқларни ўз тўрларига ўрамоқчи бўлмоқдалар. Шоир ўз достонларида бугунги кунни ўтмиш билан узвий боғлиқликда тасвирлайди. «Ҳайёмнома» достонида Умар Ҳайём руҳи ва унинг авлодлари ҳақида фикр юритилади. «Минг бир турна» асарида асримизнинг битмас ярасини — Хиросима ва Нагасаки фожиаси ҳақида ган боради. Шоир япон қизи Садаконинг атом фожиасининг сўнгги қурбонларидан бири эканлигини тўлқинланиб ёзади.

Шоирнинг «Триптих»и ҳақида ҳали танқидчилик ўзининг фикр-мулоҳазаларини айтади. Рамз Бобожон — XX аср қуйнчси. У ўз асри характерини мукаммал акс эттириш йўлида изланмоқда, интилмоқда. Шоир ўз шеърларининг бирида «оёқ изи қон», «бир қўлида қилич тутган», «тул хотинлар тақдиридан, тупроққа қорилган гуллар ҳолидан» юзи шувут асри ҳақида ёзар экан, унинг борлигидаги ишонч, дадилликни алоҳида уқтиради.

Рамз Бобожон «Тоға-жиянлар», «Зуҳранинг мактублари», «Инсу жинс ёки тирик мурдалар» драмалари билан истеъдодли комедиограф эканлигини исботлади. Унинг асарлари Москва театри, республикамиз театрлари саҳналарида узоқ вақт ўйналиб келинди.

Рамз Бобожон қалами ўткир публицист, тинниб-тинчимас жамоат арбоби сифатида ҳам машҳурдир. Рамз Бобожон ўзбек адабиёти обрўсини орттириш, унинг миллий адабиётлар билан алоқасини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилянти. Коммунистик партия ва ҳукумат бутун билими, истеъдодини халққа бахш этаётган ижодкор хизматини муносиб тақдирлади. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ёзувчи Рамз Бобожон Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан шоир Рамз Бобожонга «Ўзбекистон ССР халқ шоири» унвони берилди. Юксак мукофот — эътиборли унвон шоир Рамз Бобожонни янгидан-янги ижодий уфқлар сари ундайди.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
филология фанлари
кандидати.

СССР Давлат мукофоти лауреати шоир Рамз Бобожон — 60 ёшда

УСТОЗЛАР ВА ҲАМКАСБЛАР ФИКРИ

«...Рамз Бобожоннинг чет эл халқлари ҳаёти ҳақидаги ўткир сиёсий шеърий туркумлари ва бизнинг бугунги кун ҳаётимизга бағишланган достонлари — ҳозирги замон ўзбек поэзиясининг публицистик руҳидан далолат беради. Рамз Бобожоннинг улкан совет публицист шоири Николай Грибачев томонидан рус тилига моҳирлик билан таржима қилинган «Оби ҳаёт» номли кейинги достонини эслашнинг ўзи кифоя. Бу асардан бугунги кун ўзбек шеъриятига нақадар катта нўқтиларни эгаллаётганини, бу шеъриятда публицистик руҳ қанчалик барқ уриб турганини англаш қийин эмас. Айнан шу асар СССР Давлат мукофоти билан тақдирланганлиги бежиз эмас».

Шараф РАШИДОВ.

«...Фикрлар парвози ва туйғулар қудрати — мен Рамз Бобожон шеъриятини шундай баҳолаган бўлур эдим.»

Виталий ОЗЕРОВ.

«...Рамз Бобожон ижодида лирик — публицистик руҳ устунлик қилади. Унинг кўпчилик лирик шеърлари ва барча поэмалари, асар ёзилган даврнинг руҳи билан, давр воқеалари ва фикрлари билан тўлиқдир».

Алексей СУРКОВ.

ПОЭМАЛАР ПАРВОЗИ

Достончилик Рамз Бобожон ижодининг катта бир қисмини ташкил қилади. Рамз Бобожон шеъриятининг энг кичик жанр — рубоийдан тортиб энг йирик жанр — достонгача ўз қаламининг кучини синаб кўрди. У рубоий жанрида ҳозирги давр кишиларининг руҳини, фикрини, қалбини ифодалашга қодир ва замонамиз дард - ташвишларини акс эттирувчи етук намуналар яратди. Худди шунингдек, ўнлаб достонлар ёзиб, ўзбек достончилиги ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Ҳатто «Оби ҳаёт» достони умумиттифоқ китобхонлари эътиборини тортди. Бу асарга СССР Давлат мукофотининг берилиши ҳам бежиз эмас.

Рубоий бажарадиган вазифани ўн-ўн беш қаторли шеърга юклаб бўлмайди ёки оддий шеър достонинг ўрнини босолмайди. Шеър шоирнинг ҳаётдан, воқеликдан, одамлардан олган таассуротларини, кечинмаларини, ҳиссаяжонларни ва улар ҳақидаги, кечаги кун, бугун, эрта тўғрисидаги ўй-мушоҳадалар, фикрлар, орзу-идеаларини ифодалайди. Ҳозирги замон достонларида эса шоир ҳам ҳаёт манзараларини, жонли одамлар образини чизади, ҳам шу манзараларга бўлган ўз муносабати, ўй-мушоҳадаларини ифодалайди. Рамз Бобожон совет кишилари ҳаёти ва курашини, дунёда содир бўлаётган ўзгаришларни конкрет кўрсатиш мақсадида достон жанрига мурожаат қилади.

Агар унинг достонлари тарихига назар ташланса, шоирнинг асарма-асар ўсиб, камол топиб боргани ва бу жанрнинг янги-янги имкониятини тинмай излаб, қидириб ҳамда топиб борганини кўриш мумкин.

Шоир достон жанрида халқимиз ҳаётидаги катта довонларни, ҳозирги замоннинг кескин, долзарб жумбоқларини ва инсоннинг маънавий-ахлоқий оламига доир жиддий масалаларни бадиий талқин қилиб борганини кўришимиз мумкин. Шу жараёнда унинг достонлари мазмун, шакл жиҳатидан камол топиб борди. Урушдан кейин яратган «Қадрдон дўстлар» достонида фронтдан ғалаба билан қайтиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга астойдил киришган жангчининг маънавий камолотини кўрсатади. Бу достонда шоир ўзи ҳали туриб, воқеа ва қаҳрамонининг ҳатти-ҳаракатини кенг кўламда тасвирлайди. Шунинг учун унда ташқи эпиклик устун эди. Кейинги поэмаларида шоир эпикликни асарининг ички мазмунига кўчиради. Энди унинг асарларида воқеавий сюжет биринчи ўринда турмайди, балки лирик асос — ўй-мушоҳада, фикр-туйғу, кечинма ҳокимлик қилади. Бунинг сабаби шундаки, Рамз Бобожон халқнинг тақдиридаги йирик, жиддий ижтимоий-сиёсий масалаларни, замоннинг ўткир жумбоқлари тўғрисида фикр ва баҳс юритади. Буни воқеавий сюжет билан қамраб олиш қийин. Шу туфайли шоир ўзининг эркин руҳий парвоз этиши, ўй-хаёллар суришига ва баҳс-мунозара қилишига имкон беруви лирик поэма турига ўтади. «Оби ҳаёт» поэмаси ёки «Баҳс» асари шундай туғилди.

«Оби ҳаёт»да сув проблемасинг мамлакатимиз тақдири мисолида ҳам, жаҳон халқлари тақдири мисолида ҳам, ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак нуқтаи назардан ҳам бадиий талқин қилади. Бундай кенг уфқли мушоҳада ва фикр-ўйлар, жиддий ҳулосалар учун лирик поэма қулай имконият беради. Бу фалсафий-публицистик поэма Рамз Бобожонга яхши шуҳрат келтирди. «Баҳс» поэмасида шоир лирик поэманинг яна бир имкониятидан ўринли фойдаланади. Энди у ҳаёлан ўтмишга — ёшлигига қайтади ва шу йўл билан шонли комсомоллик йилларидаги ёшларнинг фидокорлигини тасвирлайди.

Рамз Бобожон халқимизнинг катта тарихини бадиий ёритишни ният қилади. Шундан келиб чиқиб шакл қидиради. «Бобом билан суҳбат» деган достонида совет ҳокимиятини кўришда жонбозлик кўрсатган Очил бобо образини гавдалантиради. Шоир бобоси билан ҳаёлан суҳбат қилади. Шоир бобосини тиريлтириб суҳбат ва саёҳатга тортар экан, икки ниятни ифодалаётгани кўрсатиш, иккинчиси бобосидан кейин совет Ўзбекистони эришган улуғвор зафарларни акс эттириш. Яъни, бобо, сизлар бекорга қон тўкмадингизлар, бу ютуқлар ҳаммаси сизлар экканг уруғнинг меваси; демоқчи бўлади.

Йил ўтган сайин Рамз Бобожон поэмаларининг ҳам мавзу, мазмун уфқи кенгайиб борди. У кўплаб чет мамлакатларга сафар қилди, бу сафарлар унга янги-янги мавзу, фикрлар берди. Рамз Бобожон руҳи, пафоси ва ғоявий йўналиши муштарак бўлган «Ҳиндистон онаси», «Ҳайёмнома» ва «Минг бир турна» деган уч достони ёзди. Буни шоирнинг ўзи триптих дейди. Бўларда шоир воқеавийлик билан лирик асосни уйғун олиб боришга интилади. Учаласида ҳам алоҳида-алоҳида приёмлар қўллайди. Барибир ўй-мушоҳаласини ифодалашга асосий диққатини қаратади. «Ҳиндистон онаси»да ҳайвон билан суҳбат этади, уни жонлантиради ва уни бутун Ҳиндистон рамзи сифатида беради. Ҳинд халқининг порлоқ эртанги кунига бўлган қатъий ишончни ифодалайди. «Ҳайёмнома»сида гарчанд конкрет персонажлар тақдири ҳикоя қилинса-да, шулар тақдири мисолида эркинлик, адолат учун курашган ғояларини олға суради. Хиросима воқеаси таъсирида ёзилган «Минг бир турна» поэмасининг бош ғояси одамларни ҳушёрликка чақиришдир, янги уруш хавфининг олдини олишга ва ҳеч қачон талончилик урушига йўл қўймасликка даъват этишдир. Бу достонларида фалсафийлик фазилати ямада ёрқин кўринади ва мазкур сиёсий-публицистик поэмаларга алоҳида куч бағишлайди.

Рамз Бобожон поэмаларида ўткир баҳс, кескин мунозара руҳи, жанговар ҳужумкорлик руҳи ҳоким. Сўнгги достонларида фаол дидактик йўналиш туғила бошлади. Унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони шундай асарлардан бири. Шарққа машҳур бўлган ва Фирдавсий, Жомийлар ва Дурбеклар эътиборини тортган Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги афсона Рамз Бобожонни ҳам қизиқтирди. У Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг рус тилига нашрига ёзган кириш сўзида бу асар ўзини ҳам мафтун қилганини айтади. Рамз Бобожон бу анъанавий сюжетдан афсонадан олчоқлик, сотқинлик, маразлик, пасткашликни қоралаш ва поклик, инсонийлик, ғўзалликни улуғлаш учун фойдаланди. Бу достон эпик сюжет асосга қурилган — бўлиб, унда рамзийлик, қочирик, сабоқ руҳи кучли.

Кўриниб турибдики, Рамз Бобожон поэмачилигимизда лирик поэма тури имкониятини намойиш қила олди, унинг янги-янги воситаларини, имкониятларини самарали излади ва энг муҳими замон ва замондошларимизнинг фазилатлари, белгиларини акс эттириб бера олди.

С. МАМАЖОНОВ,
филология фанлари
доктори.

ИЖОДНИНГ ЯНА БИР ҚИРРАСИ

Рамз Бобожон шоир сифатидагина эмас, айни чоғда, драматург сифатида ҳам машҳур. Бу соҳадаги сазовор ижодий хизматлари учун «Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган олий унвонга сазовор бўлган. Ижодининг энг қийин тури драматургияда ёзган тўнгич асари — «Тоға-жиянлар» комедияси бўланоқ у Иттифоқ миқёсида шуҳрат қозонган эди.

Фош этишда драматургия ва театр санъатида яхши бир традиция бор. Бу, сир сақлаш традицияси. Ҳар бир автор ва режиссёрнинг индивидуал манерасига кўра, сир сақлаш турлича, хилма-хил кўринишларда бўлади. Масалан, юз берган ёки энди содир бўладиган кечинмалар, ўйлар, фактлар, ҳодисалар сирини уларга даҳлдор кишилар билмайди, томошабин эса билиб туради. Рамз Бобожоннинг «Тоға-жиянлар» комедиясида сир сақлашининг шу хилидан санъаткорона фойдаланилган: ҳовли тўйидан, ижобий қаҳрамонлар кузатган мақсаддан салбий персонажлар бехабар. Томошабин эса ҳабардор. Бу ҳоллар спектакль қизиқишини оширади, кулги кўзғатади, нуқсонларни комедиявий планда очиб ташлашга жуда қўл келади. Натижада, сўзи бошқа, иши бошқа бошлиқ кулгили вазиятларда фош бўлади. Борди-ю, автор Фозил ота ўйидаги зиёфатдан кузатилган мақсадни, у ерда ҳайбаракаллачи бошлиқ устидан кулмоқчи бўлганлигини китобхон ва томошабиндан яшириб тасвирлаганида, ҳозиргидек таъсирчанликка, эриша олмас эди. Нега деганда, ижобий қаҳрамонлар бошқаралётган курашнинг комик руҳи, характери, моҳияти сусаяди, улар билан боғлиқ ҳолатларни ўқиб олиш оғирлашарди.

Фош этувчи етакчи ижобий қаҳрамонлардан архитектор Дилбар, қурилиш партбюроси секретари Жўра Содиқович, кекса бинокор Фозил оталарга хос индивидуал фазилатларни очиш, уларни эсда қоладиган образлар даражасига кўтариш жиҳатидан ҳам комедиянинг ҳовли тўйи картинаси ғоят муҳим ўрин тутади.

Авторнинг «Тоға-жиянлар»да эришган ютуқларидан яна бири Боқижон билан Соқижон образлари талқинида кўринади. Автор характерларни очишда, иллат эгаларини кулгу тўқмоғи билан уришда фольклорга хос приёмлардан унумли фойдаланади, оригинал ситуациялар яратади. Халқимиз характерига хос, чуқур миллий колоритни беруви топишмоқ-жумбоқ айтиш усулидан фойдаланади.

Рамз Бобожон Соқижон билан Боқижон каби персонажлардан комедиявий ҳолатлар яратишда, хусусан Меҳмонўжаев ва Бўрибой характерларидаги иллатларни кулгили тарзда танқид этишда ёрдамчи восита сифатида фойдаланади. Уларнинг ҳатти-ҳаракати, воқеаларга аралашувлари асосий образлар характерининг очилишига, мақсадни комик руҳда ифодалашга хизмат этади.

«Тоға-жиянлар»нинг шу каби қатор фазилатлари авторнинг иккинчи саҳна асари — «Лўлилар» комедиясига ҳам хосдир. «Лўлилар»да колхознинг илғор бир гуруҳ аъзолари бошқа бир колхозчиларнинг муваффақиятларига ишончсизлик билан қарайдилар. Шу қайфиятда бошқа бир колхозни ўзларича дайди лўлилар қиёфасида бориб текшириб кўрмоқчи бўладилар. Воқеа Дарья, Евқоч ва Мингтошнинг шу ниятдаги ҳаракатидан бошланади. Булар борган колхозда эса «дайди» лўлилар аҳволига ачиладиганлар чиқиб қолади. Жумладан, Мансур шундай йигитлардан. У ўзгалар учун ҳам қайғуради: лўлилар шу ҳолда шаҳарма-шаҳар, районма-район, қўнимсиз кўчиб юраверсалар, дарбадар кезиб, зарарли расм-русумларни давом эттираверсалар, оқибати нима бўлади? Улар ўтроқлашиб, ўзи ва омма учун фойдали меҳнат қилса бўлмайдими? Колхозга ишчи кучи жуда зарур-ку? Колхозчи йигит Мансурнинг лўлиларга шу саволлар нуқтаи-назаридан ёндошиши, шу саволларга жавоб изланши уни ҳаракатга ундайди. Шунда Мансурнинг лўли қизни севиб қолиши, уни лўлилар тақдири учун курашга янада кучлироқ ундайди. Кураш унинг характери ва шароити моҳиятига мувофиқ равишда оғдари руҳий олишувлар тарзида юз беради.

Руҳий олишувлар каҳраманнинг журъатсизлиги, иродасизлиги, ожизлиги сабабли содир бўлмайди, балки ўзгалар тақдирига беғарқ қарай олмаслиги, одамийлиги туфайли юз беради. Шу процесса у лўлиларни ноқулай аҳволдан қутқариш учун тадбирчора ахтаради, уларнинг қалбига йўл топишга уринади. Топган йўлидан бориб, Евқоч ва Мингтош билан тўқнашади. Бу тўқнашувда энди унинг «рақиблари»да ҳам ички кураш юз беради. Чунки «рақиблар» (Евқоч, Мингтош ва Дарья) аслида у кўриб-билиб турганидек кўнманни эмас, балки лўлилар колхозининг пешқадам вакиллари, меҳнатда, жамоат ишида Мансурлардан қолишмайдиган кишилардир.

Шоир драматик асарларида томошабинлар ҳаётнинг турли қирраларини, турли тақдирларни кўрадилар. Бу эса адиб ижодининг яна бир муҳим фазилатидан дарак беради.

Баҳодир ҒУЛОМОВ,
ТошДУ доценти.

Марокли учрашув

Яқинда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультети студентлари ва педагоглариннг Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг секретари, таниклі ўзбек шоири, драматурги, жамоат арбоби, СССР Давлат мукофотининг лауреати Рамз Бобожон билан учрашуви бўлиб ўтди.

Кечада Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ҳамид Ғулом, Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла, филология фанлари доктори, профессорлар М. Юнусов ва Н. М. Маллаевлар иштирок этдилар.

Учрашувни партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, фалсафа фанлари кандидати З. Д. Давранов кириш сўзи билан очди. Филология фанлари доктори М. Юнусов, Н. М. Маллаев шоир ижоди, асар қаҳрамонларининг руҳий олами ҳақида гапирдилар.

Шоирнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодининг ўзига хос қирралари ҳақида Ҳамид Ғулом ва Туроб Тўла, Ўткир Рашидлар гапириб беришди.

Сўзга чиққан студентлар шоирни муборак 60 ёши билан табрикладилар, унга янги ижодий парвозлар тиладилар.

Рамз Бобожон ўзининг ижодий режалари ҳақида гапирди, янги шеър, рубоийларидан намуналар ўқиди.

Ш. ИСАЕВА.

Рамз БОБОЖОН.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

АЗИЗИМ

Кел, азизим,
қадрдон дўстим,
Ғаплашайлик,
Дардлашайлик,
кел!
Сен ҳар жойда йўқ каму кўстим,
Ҳаттоки,
ҳасратим бамисоли сел...
Кел, азизим, тортайлик бирга
Шодликни ҳам,
ғам-ғуссани ҳам!
Бош эгайлик тафаррук ерга,
Мағрурликда бўлмагандай кам...
Кел, азизим,
аҳду паймон шу,
Шундай келдик ёруғ дунёга!
Дейдиларки,
дўст яшар мангу,
Умри ўхшар эмиш дарёга...
Кел, азизим,
ўтинчим фақат —
Қалбингдан ҳеч қочмасин имон,
Кўзингдаги меҳру муҳаббат
Тарк этмасин сени беомон!

СУКУНАТ

А. МУХТОРГА

Ёшлик гуноҳнигни яширган боғлар
Сукунат сақлайди оппоқ ойдин кеч.
Шамолда шўҳлик йўқ...
қимир этмас ҳеч
Шуълалар шукуҳи — яшил яproклар.
Сенинг йўлларингга мушток
муҳаббат!
Сен қайтсанг, эҳтимол, авф этар,
кечар,
Қантарилган туйғу қалбдан сув ичар,
Узлатга чекинар поқайд сукунат...
Яна тилга кирар яшил ҳнёбон,
Инларни баҳрига боғлудай бўлиб,
Ёшликни хотирлар хўрсиниб, кулиб...
Эпсиз асабларга ҳоким ҳаяжон!..

ЭСКИЗЛАР

Шода узилмасин! Дур тўкилади,
Дурни тераман деб, бел букилади...

∴ ∴ ∴

Кел, азизим, гиёни тарк эт,
Маломатнинг қаноти синди,
Фиск-фужурлар бўрони тинди,
Тантиликка муроднигга ет!

∴ ∴ ∴

Куз ўчоғидаги офтобнинг тафти
Ҳазон яллиғидан кучлидир, кучли!..

∴ ∴ ∴

Ҳокимлар ҳак билан ўйнайди,
Халқни қийнайди...

∴ ∴ ∴

Нақотки, портласа нейтрондай
қурра!!
Нақотки, ақлидан озса одамзод!!
Ўтмиш фожиаси яна бир карра
Шумшук башарасин кўрсатса,
ҳайҳот!!!

∴ ∴ ∴

Емгир томчиланди, кеч куз ёмғири,
Сарғайган барглларга саҳқал
бергудай!!

∴ ∴ ∴

Кел, азизим,
синалган соқий,
Бу кун,
бу оқшом,
Илҳом парисига кўтарайлик жом,
Умри бўлсин баркамол,
боқий!

∴ ∴ ∴

Қалтис ишнинг бошини тутма,
Оёғинг остида чоҳ бор, унутма!

∴ ∴ ∴

Сарҳушлик, нақотки, боқийдир,
боқий!!
Сарҳушлик дамлари тарк этдим,
кечир,
Нарзан чашмасидан бир коса ичир,
Шампан шаробини бас қил, эй соқий!
Найлай, илиндим-ку, ўзим тилимдан,
Оромбахш Кисловодск тупроғидаман,
Илҳом парисининг қучоғидаман,
Мисралар жўш урар дилу дилимдан.

∴ ∴ ∴

Қирғоқдан-қирғоққа сапчиб урилди,
Сув тўла анҳор.
Дераза-замни очдим, баҳор кўринди,
Яп-яшил баҳор...

Тошкентда халқаро анжуманлар, ёзувчиларнинг ижодий учрашувлари тез-тез бўлиб туради.

СУРАТДА: Рамз Бобожон Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент анжумани иштирокчилари даврасида.

С. Маҳкамов фотоси.

«Спартак» кўнгилли спорт жамиятида бокс секцияси мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда тажрибали тренерлар ёрдамида ёшлар бокс сирларини қунт билан ўрганишмоқда.

СУРАТДА: секция тренери Ҳикматилла Муталов ўқувчи Мирзоҳид Мирюсупов билан навбатдаги машғулот пайтида.

И. Шоиноғомов фотоси.

ПИРИБАДАВЛАТ ОИЛА

Юнусобод маҳалласида истиқомат қилувчи бу оилани катта-кичик яхши танийди. Абдуҳаким ота ва Назми она бош бўлган бу пирибадавлат оилада етти фарзанд камол топди. Уларнинг деярли ҳаммаси олий маълумотли. Ўзларининг камтарин хизматлари билан элга танилган. Бош ўғил Абдураҳим — фан кандидати, Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида ишлайди. Абдуфаттоҳ 5-кўчма колоннанинг бош механиги, Ленин район советининг депутати. Ҳожиакбар Ҳамза район газлаштириш идорасининг инженери. Зоҳиджон — студент. Муаттар — педагог, ўрта мактабда илмий бўлим мудири. Мўътабар ва Муҳайёлар ўз корхонасининг илғор ишчи ва хизматчилари. Уларнинг ҳаммаси оилали. Бир нечта фарзандларнинг ота-оналари.

— Бугунги ҳаётимиздан бениҳоя миннатдормиз, — дейди оила бошлиғи Абдуҳаким ота Вокилов. — Бундай бахтли кунларга етгунча озмунча терлаб пишмадик.

Отахон катта ҳаёт тажрибасига эга. У ибратли йўлни босиб ўтди. Босмачиларга қарши курашда суяги қотган Абдуҳаким акани қулоқлар билан кураш янада чиниқтирди. Колхоз тузумининг активистларидан бирига айланди. Ўзи ишлаётган Карл Маркс колхозида боғ-роғлар бунёд этишда фаоллик кўрсатди ва ниҳоят ҳалол меҳнати эвазига ҳосилдор катта боғ яратдики, унинг бу ишига раҳбарлардан тортиб, оддий колхозчигача тан берди.

Эндиликда отахон пенсияда бўлса ҳам у бунёд этган боғдан ҳар йили тонна-тонналаб ҳосил олинади. Бу ширин-шакар узумлар ҳамшаҳарларимиз дастурхонига тортиқ қилинади.

— Дунёда ўзинг ўстирган дарахт ҳосилидан бировлар баҳраманд бўлганини кўришдан ҳам ортиқ бахт бўлмаса керак, — дейди Абдуҳаким ота. — Балки менинг тетик ва бардам юришимнинг боиси ҳам ана шундан бўлса ажаб эмас.

Абдуҳаким ота тиниб-тинчмаслардан. У қарилик гаштини сураётган бўлишига қарамай, маҳалладаги ҳар бир хайрли ишга бош-қош. Тўй-тўқкулар унинг маслаҳатисиз ўтмайди. Отахон тўйларда ҳамиша исрофгарчиликка йўл қўймайди.

— Баъзи одамларга ҳайронсан, — дейди Абдураҳим ота, — ном чиқарга тўй қилмоқчи бўлади. Ўзинг ўрта миёна яшаб турган бўлсанг, ҳали олдингда бодроқдек етилиб турган қатор-қатор ўғил-қизларинг бўлса-ю, уларнинг насибасини қирқиб, катта тўй қилишни сенга ким қўйибди. Бунинг устига ортиқча дабдаба-ю, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳам инсофданмас. Наҳот бир бурда нонга зор бўлган кунларимизни бу тоифа кишилар шунчалик тез эсдан чиқариб юборган бўлишса. Ота-боболаримиз азал-азалдан нонни қадрлаб келган эканлар, уларнинг бу одатига содиқ қолиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Оиланинг баркамол ва тинч-тотувлигида Назми онанинг ҳам хизматлари катта, албатта. Фарзанд тарбиясига Абдуҳаким ота қандай қараган бўлса, онахон ҳам шундай қаради. Бу борада у турмуш йўлдошидан орқада қолмади. Болаларнинг илмли-билимли бўлишида қўлидан келган барчз хизматларини аямади. Фарзандларнинг онага бўлган камоли-эҳтиромлари-ю, иззат-икромларининг боиси ҳам ана шундан.

— Ота-онамизни ҳаммамиз ҳам бениҳоя ҳурмат қиламиз, — дейди уларнинг ўғлилари Абдуфаттоҳ. — Ниятимиз уларни ҳамиша тетик ва бардам кўришдир. Оиламиз бахтига ҳамма вақт улар соғ-саломат бўлишсин.

Биз ҳам ўз навбатида бу пирибадавлат оилага баркамоллик, тинч ва тотув ҳаёт тилаймиз.

М. ОРИПОВ.

• *Фан ва техника янгиликлари*

Туманнинг нафи

Ўзбекистон мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг мутахассислари туманда ток қаламчалари тез ривожланишини аниқладилар. Ток қаламчаларини кўкартиришда туман ҳосил қилувчи установкалар ишлатила ошланди. Самарқанд, Тошкент ва Фарғона областларининг колхоз ва совхозларида дастлабки қурилмалар ишга туширилди ва улар ток кўчатларини тайёрлашда наф келтирмоқда.

Республиканинг соҳибкорлари серҳосил хўраки узум, оқ ва қора кишмиш токзорларини кенгайтириш йўлидан бораётган бугунги кунда қисқа муддат ичида миллион-миллион кўчатлар тайёрлаш талаб қилинади. Одатда ток кўчати икки йилда тайёр бўлади.

Тимирязев қишлоқ хўжалик академияси, Тошкент қишлоқ хўжалик институти ходимларининг ёрдами билан бунинг йўли топилди: ток қаламчаларини туманда тутиш зарур — майда томчилар улар учун энг яхши микроиқлим вужудга келтиради. Ток қаламчаларини майда - шагалга ўтқазиб туман «қўйиб юборилди». Туманга минерал ўғит эритмаси ҳам қўшилди. Шундай қилиб қаламчалар бир йил ичидаёқ бақувват илдиз отди, келаси йил ёзида эса ҳосил берди. Яъни одатдагидан икки баравар барвақт ҳосилга кирди.

Энди туман тажриба пайкалларидан мева-сабзавот хўжаликларига «кўчиб ўтди», бу ерларда янги экинзорлар барпо этилмоқда.

(ЎзТАГ).

ҲАР ТЎҒРИДА

Буюк Британия ва Франция соҳилларини Ла-манш бўғози орқали доимий транспорт линияси билан боғлаш навбатдаги лойиҳаси эълон қилинди. Лойиҳани мамлакатдаги «Бритиш стил корпорейшн» металлургия компанияси ишлаб чиққан. Компания Раиси Я. Макгрегор яқинда Лондонда тапириб, «Еврорут» консорциумини тузиш планини эълон қилди. Консорциум Ла-маншда икки сунъий орол қуради. Темир йўл ва тош йўллари бўлган катта кўприклар уларни қуруқлик билан боғлайди. Ороллар ўртасида тоннел ўтказиш мўлжалланади.

«Еврорут» лойиҳани амалга оширишга маблағ йиғиш мақсадида облигациялар чиқаришни мўлжаллайди. Англиядаги бир қанча компаниялар шу жумладан «Бритиш стил корпорейшн» ва «Бритиш рейл» каби катта компаниялар планни амалга оширишда қатнашиш ниятида эканликларини билдирди.

Лойиҳа баҳоси 3 миллиард 800 миллион фунт стерлинг миқдорида чамаланмоқда ва дастлабки ҳисобга кўра, унга 5 йил кетса керак.

⁂

Давлат музейлари ва коллекцияларининг фондларида сақланаётган тарихий ва маданий бойликлар муҳофазасининг пухта эмаслиги аллақачон кўпчилик итальянларнинг оғзига тушиб кетган. Шунинг учун ҳам Венециядаги Бенедетто Марчелло номли музика консерваториясининг музейидан номаълум киши қилган навбатдаги ўғриликдан деярли ҳеч ким ҳайратланмади. Витринадан Рихард Вагнернинг дирижерлик таёқчаси ўғирлаб кетилганди. У сўнгги концертида шу таёқча билан дирижерлик қилган эди.

Полиция бу сафар ҳам жиноятчини тополмади. Аммо бир неча кундан сўнг музей номига келган почта бандеролини очган илмий ходимлар хурсандликдан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Ундан ўша йўқолган таёқча чиқди. Номаълум ўмарувчи музей экспонатларини сақлаш проблемасига маъмурларнинг диққат-эътиборини шундай ғалати усул билан жалб этмоқчи бўлган, деб фараз қилишмоқда.

(ТАСС).

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА
1—10 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ
СОАТ 11 ДА, 13, 15.00 ДА
ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ
МУЛЬТФИЛЬМЛАРНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҚОРБОБО ҲУЗУРИДА МЕҲМОНДА.
Марказий «Юбилей» спорт зали кассасида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
Кассалар ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.
Справкалар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
ГОСКОМТРУД УЗСОР
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
ТОШКЕНТ «МИКОНД» ЗАВОДИГА
инженер-конструкторлар, механиклар, технологлар,, токарлар, фрезерчилар, электр монтёрлар, асбобсозлар, газ пайвандчилар, технология ускуналарининг созловчи слесарлари, асбобсозлар; йиғувчилар, синовчилар, лаборантлар, юк ташувчилар, контролёрлар, қоровуллар, мастерлар, механиклар.
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар. Хоҳловчилар заводда икки йил ишлаганларидан кейин Ленинград, Киев, Одесса шаҳарларидаги олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.
ДАВЛАТ МАХСУС БАДИИЙ КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА:
токарлар, фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар, йўнувчилар, силлиқловчилар.
ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИГА.
шанба ва якшанба кунлари газеталарни обуначиларга етказиб бериш бўйича пенсионерлар, студентлар, уй бекалари.
Эрталабки ёки кечки газеталарни обуначиларга етказиб беришда ишнинг давом этиши соат 5.30 дан то 8.30 гача ёки 16.00 дан 17.00 гача.
Меҳнат ҳақи соатбайлн.
Хатларга ҳамроҳлик қилиш, почта жўнатмаларини етказиб бериш бўйича почтальонлар, почта алоқаси операторлари ва шогирдлар, дурадгор-мебелчилар.
Маълумотлар ва йўлланмалар олиш учун мурожаат этилсин:
МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ҲАҚИҚИЙ ЁРДАМЧИЛАР
«УЗБИТХИМПЛАСТ»НИНГ 1-ФИРМА МАГАЗИНИ МЕБЕЛЬ ВА ПОЛЛАРГА ЖИЛО БЕРАДИГАН ВОСИТАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Йиллар ўтиб мебеллар эскириб қолади. Уларнинг сирти оқариб кетади, доғ ва ҳар хил чизиқлар пайдо бўлиб қолади.
Агарда синтетик тозалаш воситаларини ишлатсангиз мебелларни янгидек қилиш мумкин.
«ПОЛИРОЛЬ—2» лакланган ва полировкаланган мебелларни жилоладиган ишлатиладиган суюқ воситадир. Бу такомиллашган препаратнинг таркиби ёғ, қурум, чангларни йўқотади. Бундан ташқари у турғун бўлиб қолган электрликни йўқотади, мебелни ярақлатади, дастлабки жилолигини тиклайди.
«ЛУЧИСТИЙ» АЭРОЗОЛИ— мебеллардан чанг ва доғларни бир зумда кетказади, сиртқи ёғочли полировкаланган ва лакланган буюмларда сув шиммаслик хусусиятини ҳосил қилади.
Паркетли полларни доимо чиройли очиб туриш керак. Агарда махсус мастикани ишлатсангиз бунга кўп вақт кетмайди.
Магазинларда бактерияларни йўқ қиладиган таъсир кучи бор узвий қоришмаларда тайёрланган мумли, скипидарли махсус мастикалар сотувда бор.
Мастика ёки лакни суртишдан аввал паркетни тозалаб олиш учун ишлатиладиган «ЭЛГА» махсус химик восита билан полни ярақлатиб тозалашни маслаҳат берамиз.
«ЭЛГА» ёғ доғлари, қил ёки чиркни йўқотади ва ҳамда паркетни ярақлатади.

БОҒБОНЛАР ВА ПОЛИЗЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Сотувда полиэтиленли конистрлар ва теплицалар бор.
Уларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан ҳам сотиб олиш мумкин.
МАГАЗИННИНГ ИШ СОАТЛАРИ: 10 ДАН 19.00 ГАЧА, 14.00 ДАН 15.00 ГАЧА ТАНАФФУС, ЯКШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИ.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Марказ —14 квартали, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти» 24-уй (65-автобус, 21-троллейбуснинг «Аптека» бекати).
«УЗБИТХИМПЛАСТ».
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 15/XII да Келинлар қўзголони.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 16/XII да янги программа. СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.30).

КИНО

14 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ШОИР ВА РЕВОЛЮЦИОНЕР» — Қозоғистон.
«КОММУНИСТ ҲАҚИДА ҚИССА» — Фестиваль.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ОТИШ ҲУҚУҚИ» — Қозоғистон (19, 21), Ҳамза номли (жуфт соатларда), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда).
«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — Қозоғистон (16, 17, 20).
«ЛЕНИН ПАРИЖДА» — Искра (18, 20).
«ЎТГАН КУН ФАКТЛАРИ» — Нукус (16, 18.30, 20.45), Москва (17, 20), Чайка (18, 20.30).
«ТУНГИ «АЛВАСТИЛАР» ОСМОНИДА» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

15 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ШОИР ВА РЕВОЛЮЦИОНЕР» — Қозоғистон.
«КОММУНИСТ ҲАҚИДА ҚИССА» — Фестиваль.

«БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ОТИШ ҲУҚУҚИ» — Қозоғистон (11, 15, 19, 21), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда).
«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ — Қозоғистон (12, 13, 16, 17, 20).
«ЛЕНИН ПАРИЖДА» — Искра (16, 18, 20).
«ЎТГАН КУН ФАКТЛАРИ» — Нукус (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), Москва (11, 14, 17, 20), Чайка (12, 15, 18, 20.30).
«ТУНГИ «АЛВАСТИЛАР» ОСМОНИДА» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

«УЗСТРОИТЕПЛИЦА» трестининг
125-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА
чуқур кавлаш машинасининг машинисти, бульдозерчи, ишт терувчилар, слесарь-монтажчилар
КЕРАК
Меҳнат ҳақи —ишбай-мукофотли. Иш кўчма характерда бўлганлиги учун 20 процент қўшимча тўланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Қўйлиқ посёлкаси, Транспортная кўчаси.

УЙ БЕКАСИ ХУРСАНД БЎЛАДИ
7 МИНУТДА КАРТОШКА ПИШАДИ!
5 минутда димлаб пиширилган карамни дастурхонга тортиш мумкин.
Агарда сиз микро тўлқинли рўзғорбоп «ЭЛЕКТРОНИКА» печидан фойдалансангиз қайноқ таом тайёрлашга ярим соатча вақт сарфлайсиз.
«ЭЛЕКТРОНИКА» масаллиқларни муздан туширади, таомни ишитади, бир пиёла чой ичгунча вақт ичида нонушта, тушлик, кечки таом тайёр бўлади.
«ЭЛЕКТРОНИКА»да таомларни шиша, чинни, пластикали шунингдек қоғозли идишларда пиширишмумкин. Таомни ишитиш учун махсус идиш бўлиши шарт эмас, бунинг учун дастурхонни тузашда ишлатилган тарелкалар ҳам бўлаверади.
«ЭЛЕКТРОНИКА» таомларни тайёрлабгина қолмай, балки печь ичига ўрнатилган вақт релеси туфайли таом тайёр бўлишини доимо кузатиб туришдан уй бекасини озод қилади.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«УЗХОЗТОРГ»нинг республика базасида микро тўлқинли «Электроника» электр печлари исталганича бор.
«УЗХОЗТОРГ».
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қошидаги
104-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти
1981—82 ўқув йилига
ҚЎШИМЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
8 синф маълумоти бўлганлар қуйидаги касблар бўйича уч йиллик ўқишга қабул қилинади: контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикаси ремонти бўйича слесарь. Ёритиш асбоблари, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи; юқори вольтли электр узатиш линиялари монтажи ва ремонти бўйича электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.
Ўқувчилар 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул билан мукофотланадилар.
Битириб чиқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг белгиланган формада диплом оладилар.
Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига юборилади.
Ўрта маълумоти бўлганлар ва Совет Армияси хизматидан қайтиб келганлар қуйидаги касблар бўйича
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
Қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, қувур агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, электр асбоб-ускуналарининг монтажчиси, электр пайвандловчи, иссиқлик билан ишловчи кучланиш асбоб-ускуналарининг ремонти бўйича слесарь, электромонтёрлар.
Машғулотлар — группалар тўлгандан кейин бошланади.
Ўқувчилар ўқиш даврида 30 сўм стипендия оладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофотлари оладилар.
Билим юртини тамомлаганлар белгиланган формада аттестат оладилар.
Билим юртида ўқувчиларнинг яхши билим олишлари учун яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, спорт тўгараклари, бадиий тўгараклар мавжуддир.
Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга махсус автобус хизмат кўрсатади.
Билим юртининг ётоқхонаси бор.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: директор номига ариза; маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка. 3х4 см. ҳажмли 3 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий хизмат гувоҳномаси ёки ҳарбий билет.
Бизнинг адрес: 702169, Тошкент область, Орқоникидзе район, ТашГРЭС посёлкаси (152-Олой бозори — Қибрай автобуси ва 115-автобуснинг «ТошГРЭС» посёлкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча телефонлар: 6-12, 3-18.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

14 ДЕКАБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг физика-математика фанлари доктори, СССР Олий Советининг депутати Б. С. Калгин билан учрашуви. 18.50 «Ўрмондаги чакалакзорда». Мультфильм. 19.10 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «БАМ. 1981 йил». Кўрсатувда транспорт қурилиш министрининг ўринбосари, «ГлавБАМстрой» бошлиғи Г. К. Мохоротов, йўллар министрининг ўринбосари С. А. Пашинин иштирок этади. 19.40 «Русская гармонь» ансамбли чалади. Воронеждан олиб кўрсатилади. 20.10 «Севимли роллар». СССР халқ артисти А. Зуева А. Н. Островский пьесаларида. Артист туғилган кунининг 85 йиллигига. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти Ю. Гуляев куйлайди. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Уларни театр кутяпти». «Тарнога эртаклари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

Профилактика муносабати билан Марказий телевидение IV программасида кўрсатувлар намойиш этилмайди.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус). 18.40 «КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга!» Тошкент бадиий буюмлар фабрикасидан репортаж. 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёдимизда ва қалбимизда ҳамиша» (рус). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Ижод саҳифалари». Рамз Бобожон. Шоир туғилган кунининг 60 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиосининг солистлари М. Раҳимова, М. Қозоқбоев, Қ. Усмонов концерти. 21.30. Москва «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 Телетомошабинларнинг таклабларига биноан. «Қамал». 1-фильм. «Луга марраси». 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Узбекистон пахтакорларининг улкан меҳнат ғалабасига бағишланган музикали программа (1-қисм) такрорий. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

15 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар: «Оқ автомобиль». «Ниначининг қанотлари». 10.55 «Ўсмирлар ижоди» 11.40 «Кинолаборатория». 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Инсон Ерда». Кинопрограмма. 16.10 К. Хачатурян. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун соната. 16.30 «Рус тили». 17.00 Москвада Коми АССР маданияти кунларига. Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Сиктивкар», «Аргиш денгиз томон бормоқда». 17.35 Коми АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг чиқиши.

18.05 «Ёшлар адреслари». 19.05 «Бугунги қўриқ». Кустанай областидаги оғир юкли автопоездларни ҳайдовчи ака-ука Головачлар ҳақида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Совет Молдавияси санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти». Фильм-концерт. 20.30 Марказий телевидение экранида биринчи марта «Ҳамма нарсадан азиз». Тарихий публицистик киноэпопея. 6-фильм. — «Кулдан пайдо бўлган қушдек». 21.30 «Время» 22.05 «Дўстларимиз чеҳраси». 22.55 «Дунё воқеалари». 23.10 Камер куйлардан концерт. Свердловскдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Халқаро панорама». 20.15 «Қишлоқ янгиликлари». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Ерқин йўл». Бадиий фильм. 23.40 П. И. Чайковский. Торли оркестр учун серенада.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ўттиз олти қувонч». Телефильм. 12.30. Адабиёт. Ҳозирги замон адабиётини ривожлантириш. 13.00 «Қамал». 1-фильм. «Луга марраси».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Зонтик» мультфильм. 18.10 «Сўз кетидан сўз келар». Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.40 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.10 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». Тошкент «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Узбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 «К. Отаниёзов куйлайди» Фильм-концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Соҳибкор Зайниддин Фахриддинов тажрибаси». 22.15. «Қамал». 2-фильм. «Пуково меридиани». 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Узбекистон пахтакорларининг улкан меҳнат ғалабасига бағишланган музикали програм. ма. 2-қисм (такрорий). 22.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.30 МТ IV.

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан. мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-58-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.
14 ДЕКАБРЬ, 1981 Й. Р—06717. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.